*Сурхондарёлик дала меҳнатчилари техника воситаларини авайлаб сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш ташаббуси билан чиқдилар*

# ТЕХНИКА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

**Техника деҳқоннинг оғирини енгил, мушкулини осон қилади. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, колхоз ва совхозларни замонавий техника билан таъминлаш, уни бошқарадиган юқори малакали механизатор кадрларни тайёрлашга катта эътибор бериб келмоқдалар.**

## СУРХОНДАРЁ ТАШАББУСИ

Ҳозирги вақтда область хўжаликлари барча техника воситалари, қишлоқ хўжалик механизмлари билан тўла таъминланган: колхоз ва совхозларда 14626 трактор шу жумладан, 7325 чопиқ, 2754 ҳайдов трактори, 2652 пахта териш машинаси, 3754 юк машинаси, 7859 трактор тележкаси, шунингдек, минглаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, насос агрегатлари, ер текислагич механизмлари, тишли ва дискали молалар, ғалла комбайнлари, чанглатгич ва пуркагич аппаратлари бор.

Шунга қарамай, кейинги вақтларда айрим хўжаликларда техникага нотўғри муносабатда бўлиш фактлари, уни асраш, унумли фойдаланиш, умрини узайтиришга бефарқ қараш, талон-торож қилиш, айрим ҳолларда эса ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш каби салбий ҳодисалар кўплаб учрай бошлади. Бу вазиятдан ўз вақтида тўғри хулоса чиқарган Сурхондарё область партия, совет, маъмурий ва назорат ҳамда оммавий ахборот органларининг ходимлари барча мавжуд техникани кўрикдан ўтказиш, уларни авайлаб-асраш ва хизмат муддатини узайтириш, мавжуд техника воситаларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича оммавий рейдлар ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

Шу йил айни кўклам экиш кампанияси даврида ҳамма мавжуд техникани кўрикдан ўтказиш оммавий рейдлари бошлаб юборилганди. Шу мақсадда район халқ контроли комитетлари 240 дан ортиқ рейд комиссияси тузишди. Улар составига 1500 га яқин киши жалб этилди. Депутатлар, халқ контроли группалари ва постларининг аъзолари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, комсомол прожекторчилари, маъмурий органлар ходимлари ва халқ дружиначилари рейдларда фаол қатнашдилар. Шунингдек, рейд комиссиялари ишида район агросаноат ва «Госкомсельхозтехника» бирлашмалари, қишлоқ хўжалик техникаси давлат назоратчилари ҳам фаол иштирок этдилар.

Оммавий рейдлар натижасида қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш, мавжуд техникани ҳисобга олишдаги жиддий хато ва камчиликлар фош этилди. Областдаги 124 колхоз ва совхоздан қарийб 10500 га яқин механизатор ҳовлиси текширилди. Кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари, инженер-техник ходимлари талабчанлик ва назоратни бўшаштириб юборганликлари оқибатида кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари, ҳар хил ноёб эҳтиёт қисмлар механизаторларнинг ҳовли ва уйларида сақланаётганлиги, уларнинг бир қисми талон-торож қилинаётганлиги, айрим механизаторлар тракторлар ва бошқа механизмлардан шахсий мақсадларда фойдаланаётганликлари аниқланди.

187 трактор, 3 комбайн, 494 та турли маркадаги қишлоқ хўжалик механизмлари, умумий қиймати салкам 250 минг сўмни ташкил этадиган 12343 та эҳтиёт қисм ва деталлар механизаторларнинг ҳовлиларида сақланаётганлиги маълум бўлди.

Жарқўрғон, Олтинсой, Сариосиё, Шеробод, Шўрчи ва Бойсун районларида қишлоқ хўжалик техникасига муносабат ҳаддан ташқари ёмон. Жумладан, Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхозда техникани эҳтиёт қисмларни ҳисобга олиш ва сақлаш ишлари чалкаштириб юборилган. Шу сабабли янги техника ва эҳтиёт қисмлар ишлатилмай, талон-торож этилган. Масалан, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг механизатори Йўлчи Собиров ҳовлисидан пахта териш машинаси бункери, трактор тележкасининг тўрт дона сеткаси, 2 дона аккумулятор, 2 дона глушитель топилди.

Оммавий рейдларда Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхози шофери Эшназар Оқнаевнинг ҳовлиси кўздан кечирилганида «Газ-53» маркали автомашина қисмларга ажратилиб, тарқатиб юборилганлиги аниқланди. Унинг баланс қиймати 3379 сўмни ташкил этади. Шу масалага доир ҳужжат ва материаллар район прокуратурасига ҳавола этилди. Сариосиё районидаги «Ленинград» колхозининг механизатори Р. Ҳамроевнинг ҳовлисидан битта ғўзапоя юладиган механизм, битта культиватор, бир прицеп, 1 аккумулятор, икки комплект дискали баллон, иккита ёнилғи баки, кўсак чувиш агрегатининг битта сеткаси чиқди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Шу нарса диққатга сазоворки, оммавий рейд-кўрик натижалари колхоз ва совхозларда муҳокама этилиб, механизаторлар ҳовлиларидан топиб олинган янгигина эҳтиёт қисмлар ва деталлар хўжаликларга кирим қилинди. Техникани асраш, ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмларни сақлаш ва механизаторларга беришда тартиб ўрнатиш, мавжуд техниканинг умрини узайтириш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланди, келгусида бу ғоят муҳим ишни янада яхшилаш режаларини ўз ичига олган қарорлар қабул этилди. Бу оммавий рейдларнинг якунлари область партия комитетининг бюросида ва область ижроия комитети мажлисида ҳам атрофлича муҳокама этилиб, конкрет қарорлар қабул қилинди, айбдорлар қилмишига яраша жазоланди, айрим ўта масъулиятсиз кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Шундай оммавий кўрик-рейдларни бундан кейин ҳам ҳар йили камида икки марта ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

## ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Область ва районларнинг партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари мавжуд техника воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни авайлаб-асраш ва хизмат муддатини узайтириш бўйича талай ишларни амалга оширмоқдалар, техникадан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш борасида изланишлар, қимматли таклиф ва мулоҳазалар атрофлича ўрганилиб, фойдали тажрибалар турмушга татбиқ этилмоқда. Бу борада Ленин йўли район механизаторлари амалга ошираётган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Районда 1982 йил май ойидан бошлаб механизациядан фойдаланиш бўйича янги иш услубига ўтилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бўйича хўжаликлараро корхона тузилди. Барча хўжаликларда ушбу корхонанинг махсус бўлимлари барпо этилиб, улар барча дала ишларини муддатида ва юқори сифатли бажаришни ўз зиммаларига олишди. Район хўжаликлараро корхонасининг совхозлардаги бўлимлари қишлоқ хўжалигининг техника ёрдамида бажариладиган барча ишлари шартнома асосида, белгиланган агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказилади.

Натижада техникани асраш ҳам, ундан фойдаланиш самарадорлиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Корхона бўлимлари ишни коллектив пудрати асосида ташкил этиб, бажарган ишларнинг сифати ва салмоғига қараб хўжаликлардан ҳақ оладилар. Агар дала ишлари кечикиб бажарилса ёки сифатсиз бўлса, бундай ҳолларда шартномага кўра хўжалик раҳбарлари брак иш қайта сифатли бажарилмагунча ҳақ тўлашмайди. Бу усул механизаторларнинг ҳам, мутахассисларнинг ҳам масъулиятини оширди. Натижада районда пахтачилик сўнгги йилларда анча ривожланди, ҳосилдорлик ортди. Областда ва кўпчилик районларда қатор йиллардан бери пахтани машинада териш планлари бажарилмай келаётганлигига қарамай, Ленин йўли райони механизаторлари ҳар йили машина терими планларини ошириб бажаряптилар.

Барча хўжаликларда техника хизмати учун учта кўчма устахона, иккита мойлаш агрегати ташкил этилган бўлиб, уларда қатъий график асосида техника қарови икки сменада олиб бориляпти. Ҳар бир хўжаликда учтадан пайвандлаш аппаратлари малакали кадрлар билан комплектланган. Улар махсус буюртмалар асосида ишлайди. Марказий устахонада иш икки сменада ташкил қилинган. Ремонтчилар, слесарлар учун барча моддий-маиший шароитлар яратилган.

Техникадан фойдаланишнинг янгича услуби афзалликларидан яна бири шундаки, эндиликда хўжалик раҳбарлари техникани асраш, эҳтиёт қисмлар қидириб топиш, ремонт қилиш ташвишларидан деярли халос бўлганлар. Бу эса асосий диққат-эътиборни кўп тармоқли қишлоқ хўжалик ишларини ривожлантиришга қаратиш, алмашлаб экишни жорий этиш, деҳқончилик маданиятини тубдан кўтариш имкониятларини яратмоқда.

**А. ХАЛИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ЯНГИЛИКЛАР

## ЧЎЛҚУВАРЛАРГА СОВҒА

**ХОРАЗМ**

**◆ Областдаги юзлаб китобхонлар «Китоб — чўлқуварларга энг яхши совға» шиори остида сиёсий, илмий ва бадиий адабиётларни тўплашга киришдилар.**

Кишилар ўз ихтиёри билан тақдим қилган китоблар Қизилжар ва Тупроққалъа массивларидаги қўриқ совхозларнинг жамоатчилик асосидаги кутубхоналарга топширилади. Хоразмлик китобхонларнинг бебаҳо маънавий бойликни чўл забткорлари билан баҳам кўриш ташаббуси таҳсинга лойиқ.

## КАТТА БАХТ

**◆ Хонқа районидаги Карл Маркс номли колхозда халқ амалий санъатининг моҳир устаси Раҳимберди ота Матжонов истиқомат қилади. У СССР Рассомлар союзи аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

Отахоннинг қўлидан чиққан нафис керамика буюмлари мамлакат ва халқаро кўргазмаларда муносиб ўрин олган. Яқинда халқ устасини ҳамқишлоқлари ва шогирдлари қутлуғ 75 ёши билан муборакбод этишди. Унинг нақшинкор, жилобахш сопол буюмларидан намуналар намойиш этилди. Ота эл эъзозига мушарраф бўлиш катта бахт эканлигини таъкидлаб, партия ва ҳукуматга чексиз миннатдорчилик билдирди.

## ОГАҲИЙ ЭККАН ТУТ

**◆ Хива районининг Қиёт қишлоғидаги азим тут дарахтини «Огаҳий тенгдоши» дейишлари бежиз эмас. Кексаларнинг ҳикоя қилишича Огаҳий ҳовлиси олдидаги бу тутни шоирнинг ўзи эккан экан.**

Табаррук дарахт ўзига хос ёдгорлик сифатида авайлаб сақланмоқда. Ҳар йили май ойида тут тагида мушоира ўтказиш анъанага айланган. Галдаги мушоирада ҳам Огаҳий ғазаллари янграnamed, воҳа шоирлари ўзларининг янги шеърларини ўқиб беришди.

## АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

**◆ Янгиариқ районидаги Калинин қишлоқ Совети маданият уйи қошида илмий атеизм халқ университети ишлаб турибди.**

Унда «Билим» жамияти аъзолари, врачлар, педагоглар лекция ўқишади, суҳбатлар ўтказишади. «Билим» жамияти аъзоси О. Ҳакимовнинг «Диний афсоналарнинг ғайри илмийлиги ва асоссизлиги», врач Саидовнинг «Хурофий урф-одатларнинг инсон саломатлигига зарари» тўғрисидаги суҳбатлари тингловчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.

**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# БАМ ЙИЛНОМАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН САҲИФАСИ

Тошкент архитекторларининг ижодий режалари «Аср магистрали» харитасида Ўзбекистон посёлкаси деб белгилаб қўйилган тайгадаги Куанда посёлкасида реалликка айлана бошлади. Бу ерда қурувчилар шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришлари лозим. «Узбамстрой» поезди ишлаб чиқариш-техникавий комплектлаш бошқармасининг бошлиғи Г. Ф. Кифус ЎзТАГ мухбирига шу ҳақда маълум қилди.

— Қурилиш устахоналари, арралаш дастгоҳи, дизель электростанция, гаражлар, ёғоч уйлар қад кўтарган муваққат посёлка жадал кенгайиб бормоқда, — деб ҳикоя қилади Григорий Фридрихович. — Эндиликда эса қудратли Кадартоғ тизмаси этакларида одамлар кўз ўнгида 10 минг кишига мўлжалланган замонавий уй-жой посёлкаси бунёд этилмоқда, деб айтиш мумкин.

Куанда посёлкасида кичкинтойларни ясли ва боғчаларга жойлаштириш муаммо эмас. Бу ерда иккита болалар комбинати очилган. Маиший хизмат уйи қурилди. Тўртта озиқ-овқат ва мева-сабзавот магазини ишлаб турибди, спорт комплекси, қозонхона қурилиши ниҳоясига етмоқда. Яхшиси, ўз кўзингиз билан кўринг...

Г. Ф. Кифус Куанда станциясининг каттакон макети ёнига келади ва хаёлан саёҳат қилишни таклиф этади.

— Мана, бу посёлканинг бўлажак дарвозаси — темир йўл вокзалининг биноси. Вокзал биноси пойдеворини қуришга киришилди. БАМ шароитида қурилиш технологияси ўзига хос хусусиятга эга: бу ерда қурилиш абадий музлик шароитида олиб борилади, йўсин босган ер қатлами 40—50 сантиметрдир. Музликни қўзғатсангиз, ботқоқлик пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай йирик объект пойдеворини қуришга тайёргарлик — мураккаб инженерлик проблемасидир. Бу проблема шу тариқа ҳал этилади: 7-9 метр чуқурликка катта пўлат игналар санчилади. Буғ генератори босим остида уларга салкам 120 градус ҳароратли буғ юборади. Шундан кейингина қозиқларни қоқиш мумкин бўлади. 2 метр диаметрдаги эриган участка узоқ вақтгача музламайди. Бутун Куанда мана шундай қозиқлар устига қурилади.

Григорий Фридрихович вокзал ёнидаги монументга эътиборимни жалб этди. Монумент магистралнинг икки шахобчаси туташтирилганлиги шарафига бунёд этилган. Бу ерда бултур кузда сўнгги бўғинга «олтин қозиқ» қоқилиб, БАМнинг рамзий калитини топшириш маросими бўлиб ўтган эди.

Тақдир тақозоси билан ўзбекистонликлар яшаб турган посёлкамиз тантаналар марказига айланди, — деди фахр билан суҳбатдошим ва у уч йил ичида ўзи учун қадрдон бўлиб қолган Куанда билан таништиришда давом этади.

— Вокзалдан кейин асрий арчазорлар ва қарағайзорлар қуршовидаги социал-маданий комплекс бошланади. Бу ерда беш қаватли уй-жойлар, уч қаватли савдо маркази, мактаб, стадион, локомотив бригадаларининг дам олиш уйи кўзга ташланади. Бунёд этилаётган барча бинолар ўзбек миллий кошинлари билан қопланмоқда. Шунинг учун ҳам трассадаги энг шимолий посёлкада ўзингизни қуёшли Ўзбекистонда юргандек ҳис этасиз.

## ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

«Бошқа жой яхшироқ» деган нақл бор. Куандада эса «биз юрган ва ишлаётган жой яхши бўлиши керак» дейишади. Бу гап айниқса ёшларга тааллуқлидир. Ҳа, ҳақиқатан ҳам БАМ ёшлар қурилиши. Мамлакатимиз ҳукумати ёшлар қўшган катта ҳиссага баҳо бериб, Байкал-Амур магистралига Ленин комсомоли номини берганлиги ҳам бежиз эмас.

Бу хабарни Куандада қандай қарши олганликлари тўғрисида гапириб беришни Г. Ф. Кифусдан илтимос қилдим. «Бу ҳақда ўзбекистонлик БАМ қурувчиларидан билайлик», деб таклиф этди у. Мана телефон орқали Куанда билан гаплашамиз. Телефонда — «Узбамстрой» поездининг бошлиғи А. А. Ризаев.

— Кеча бизда комсомол йиғилиши бўлиб ўтди, — деди Анвар Аҳмадалиевич. — Йиғилиш ғоят қизғин бўлди. Ёшларнинг меҳнатига берилган бундай юксак баҳони эшитиб ҳамма қувонди. Кўпгина қурилиш-монтаж поездлари Аям—Амур—Якутия магистрали ва Уренгой сари жўнаб кетган бўлса-да, бу ерда ҳамон ишлар мўл. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади: келгуси йилда 4 миллион сўмлик, 1987 йилда эса 7 миллион сўмлик иш бажариш керак. Қурилиш ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақа қулоч ёймоқда. Ёшлар ҳамиша бўлгани сингари зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатаётганликлари қувончлидир.

Дурадгор Раҳим Абдураҳмонов, пардозловчилар бригадири Надежда Медведева, пардозловчилар Ирина Елиничева, Марина Санина, дарахт кесувчи Александр Заболоцкийлар тўғрисида алоҳида гапиришни истардим. Улар бу ерда жуда соз меҳнат қилмоқдалар.

Кўпчилик учун БАМ ҳаёт мактаби, ёшларнинг турмушда ўз ўрнини топиши учун давримиз мезони бўлиб қолди. Чирчиқдан бу ерга келган ёш бетон қорувчи Виктор Файфрукни қишлоқ Совети депутати қилиб сайладилар. Тракторчи Сергей Сединовга ҳам шундай шараф кўрсатилди.

Ҳозир бу ерда ҳаво Ўзбекистондагидек иссиқ. Ҳарорат 40 даражага етган. 1989 йилда — белгиланган муддатдан бир йил илгари ишга туширишга қарор берилган қурилиш объектларида ишлар ҳам худди шундай қизғин олиб борилмоқда. Инженерлик ечимининг аниқ-пухта ҳал этилиши бир қанча муаммоларнинг ечимига мувофиқдир: олисга юк ташилишини назарда тутиб, биз темир-бетон конструкциялари билан бир маромда таъминлашимиз зарур. Қурилишни жадаллаштириш учун 25 тонна юк кўтарадиган иккита кран керак. «Главташкентстрой» бизга амалий ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ўзбекистонлик БАМ қурувчилари олдида ҳали қизғин ишлар бор. Куандадан юз километр шарқроқда тошкентлик архитекторлар лойиҳасига биноан қурилаётган яна бир посёлка — Лапріндо қад кўтармоқда.

Суҳбатимиз тугади. Григорий Фридрихович хайрлашув олдидан қуйидагиларни илова қилди: ўз умримда кўп нарсани кўрдим. Бироқ БАМ ҳар биримиз учун куч-ғайрат синови бўлди. Бу ерда ёшлик шижоати ва биринчилардан бўлиш истаги мардлик ва қатъият, новаторлик ва масъулият билан биргаликда ягона мустаҳкам қотишмага айланди. Буни БАМ характери дейдилар. Бу ерда одамлар кўплаб имтиҳонлардан ўтадилар. Бундай имтиҳонларга мард, матонатли кишилар бардош бера олади.

**Э. ТУХВАТУЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# МИНИСТР КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони дўстона визит билан 7 июль куни Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

# КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

## ҚИШЛОҚ МУЗЕЙИ

● Самарқанд район халқ маорифи бўлими 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси О. Пўлатовнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида унинг дарс ўтиш методи ҳақида плакат чиқарди. Плакат «Ўқитувчининг тарих музейи» деб аталади.

Тарих ва жамиятшунослик дарсларининг мазмунли, қизиқарли ўтишида кўргазмали воситалар муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли мактабда ташкил этилган тарих музейи катта самара бериши турган гап.

Музей СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан очилган бўлиб, 18 бўлимда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг ҳаёт йўли ва фаолияти, Коммунистик партия тарихи ҳамда съездларини ифода қилувчи стендлар, қадимги меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, 500 дан зиёд археологик экспонатлар тартиб билан жойлаштирилган. Уларни тўплашда мактабнинг қизил изтопарлари ҳам яқиндан ёрдамлашдилар.

**Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ,**
**Самарқанд район «Шарқ тонги» газетаси ходими.**

## ОДАМЛАР СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

● Бухоро шаҳрида область соғлиқни сақлаш бўлимларининг етакчи мутахассислари ҳамда санитария маорифи ходимларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди. Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарор асосида шифокорлар олдида турган вазифалар ҳақида наркологлар ва бошқа мутахассисларнинг докладлари тингланди. Семинар қатнашчилари Бухоро тўқимачилик комбинати, қурилиш трестининг наркология постлари, область санитария маорифи уйи иш тажрибаси билан танишдилар.

Шунингдек, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида медицина билимлари пропагандаси юзасидан ҳам фикр алмашинилди.

**А. ЭРГАШЕВ,**
**республика санитария маорифи уйи ходими.**

## АВЛОДЛАРГА ОМОНЛИК

● Мен урушда қатнашиб, унинг барча азоб-уқубатларини бошимдан кечирдим. Душманни еримиздан қувиб чиқардик. Лекин ногирон бўлиб қайтдим. Шунга қарамай, колхозда ишлаб фарзандларни камол топтирдим. Болаларимиз тинч замонда ўсишди. Улар урушни асло кўришмасин.

**К. НОМОЗБОЕВ,**
**Улуғ Ватан уруши инвалиди.**
Сирдарё области.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Н. Ботиров** (Бухоро), **Р. Бойназаров** (Сурхондарё), **Р. Собиров** (Хоразм), **Х. Отамуродов** (ҚҚАССР), **А. Пардаев, С. Ўроқов** (Самарқанд), **О. Турсунов, Н. Турдиалиев** (Наманган), **О. Қушматов** (Сирдарё) ва бошқалар ҳам редакциямизга турли мазмунда хат-хабарлар йўллашган.

# ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

**Республикамиз ишлаб чиқариш илғорларидан бир группасининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси кўплар қатори Навоий области меҳнаткашларининг ҳам ғайратини ошириб юборди. Ана шу илҳомбахш чақириққа жавобан областдаги кўплаб ишчи, чорвадор ва пахтакорлар ватанпарварлик ҳаракатининг издошлари сифатида майдонга чиқдилар.**

Ана шулардан бири Томди районидаги Жабай Балиманов номли совхознинг бош чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жақсилиқ Балимановдир. У районда биринчилардан бўлиб давлатга қоракўл тери, жун топшириш, қўзиларни ўстиришга қолдириш ва гўшт етиштириш беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажарди.

Беш йилликнинг якунловчи йилида илғор бош чўпон ўз отаридаги 650 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 120 тадан қўзи олиб, 540 бошини ўстиришга қолдирди. Давлатга 240 дона сифатли қоракўл тери топширди.

Илғор чўпон Ж. Балиманов совхозда яна бир хайрли тадбир — мўл-кўл чорва озуқаси тайёрлаш ташаббуси билан майдонга чиқди. У отар коллективи билан 80 тонна дағал ҳашак жамғаришга аҳд қилди. Айни кунларда отар чорвадорлари яйловлардаги табиий ўтларни уюшқоқлик билан ўриб йиғиб олмоқдалар. Белгиланган графиклар мунтазам ошириб бажарилишига эришилмоқда. Аҳил коллектив ҳозиргача 30 тоннадан ортиқ озуқа тайёрлашга эришди. Озуқа жамғаришда Ж. Балимановнинг турмуш ўртоғи Қўшчингул, ўғиллари Бохит, Бауржон, Эржон ва Давлатжонлар айниқса, намунали меҳнат қилишмоқда.

**А. РАҲМОНОВ.**

# МЕҲНАТ ШАРАФИ



**Ульянов районидаги Дзержинский номли совхознинг ёш бригадири Раҳмат Примов яқинда Москвага йўл олади. У ёшлар ва студентларнинг Совет Иттифоқи пойтахтида ўтадиган жаҳон фестивалига қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Бундай шарафга ўзининг ҳалол меҳнати, касбига муҳаббати, жонкуярлиги туфайли эришди.**

**Раҳмат ёшлигидаёқ пахтакор бўлишни ният қилди. Чунки бу унга ота касб. Отаси Аҳмад Примов ҳозир ҳам совхозда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Сувчиликда донг таратган миришкор деҳқон. Ёшлар эса унинг тажрибасидан ҳамон ўрганишяпти. Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери шу касбни шарафлаб келяпти.**

**Раҳмат Примов отасидан жуда кўп нарсаларни ўрганди. Совет Армиясига хизматга кетгунга қадар ҳам, қайтиб келгандан сўнг ҳам жонажон совхозида фидокорона меҳнат қилди, деҳқончиликда кўзи пишди. Собиқ бригадир пенсияга чиққач совхоз маъмурияти уни шу лавозимга тайинлади. Мана, тўрт йилдирки, шу коллективга бошчилик қилиб келмоқда. Ана шу йиллар мобайнида бригаданинг азамат деҳқонлари план топшириқларинигина эмас, балки социалистик мажбуриятларини ҳам муттасил ошириб бажариб келишмоқда.**

**Бу йил ҳам бригадага қарашли далаларда мўл ҳосил етиштирилмоқда. 86 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган пахтакорлар айни кунларда ғўзаларни қондириб суғориш, қатор ораларига ишлов бериш ва экинларни озиқлантириш ишларини оби-тобида ўтказишяпти. Ҳозир ҳар туп ғўзада 4-5 тадан ҳосил нишоналари мавжуд.**

**Бригада етакчиси асосий ишдан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У район комсомол комитетининг аъзоси ва агитатор сифатида ёшлар ўртасида турли оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда ҳам намуна кўрсатаётир.**

**Суратда: ёш коммунист Раҳмат Примов отаси Аҳмад ота билан пахтазорда.**

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

# ШИЙПОН ШУНДАЙ БЎЛСА

*РЕПОРТАЖ*

Боғотдан Қорақум этакларида очилган қўриқ ерларга бораётиб, катта йўлнинг ўнг томонида оппоқ шийпонга кўзингиз тушади. Энди соя бера бошлаган гужумлар, тол-тераклар, чамандек очилган турфа гуллар бу сўлим оромгоҳга ажиб чирой ва тароват бахш этган.

Шийпон оддий, хоналар ихчам ва шинам. Пастда овқатланадиган, дам оладиган хоналар, ўқиш зали жойлашган. Иккинчи қаватда телевизор кўриш, музика асбобларида машқ қилиш, шахмат-шашка ўйнаш, хуллас, кўнгилдагидек хордиқ чиқариш мумкин.

Дала азаматлари ҳар галгидек тушки овқатланиш пайтида бу ерга қадам қўйишаркан, уларни Қаландар ота Жуманиёзов худди хонадон соҳиби сингари илиқ қарши олади: «Келинглар, ҳорманг, шоввозлар! Ҳозиргина опа сим қоқдилар, чамаси тушликни сизлар билан бирга қилмоқчи».

Колхоз раиси Онагул Машариповани ҳамқишлоқлари, шу жумладан, қариялар ҳам ҳурмат ифодаси сифатида «опа» деб аташади. Раис опанинг вақт-вақти билан шийпонга келиб туриши фақат Қаландар отани тетиклантириб қолмай, бу эътибор ва ғамхўрлик колхозчиларнинг ҳам кўнглини кўтаради. Қаландар ота Улуғ Ватан уруши инвалиди. Пенсияда бекор ётишни эп кўрмай, шийпонга ишга келган. У икки вазифани — қоровуллик ва ошпазликни аъло даражада бажаряпти.

Ўртага дастурхон ёзилди, тандирда ёпилган ширмойи нон, ҳозиргина дамланган кўк чой келтирилди. Мева-чева, қанд-қурс муҳайё.

Раис опа салом бериб даврага келди, одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашди.

Овқат тановул қилингач, бир оздан кейин бригадир Бозорбой Раҳимовнинг таклифи билан ҳамма залга йиғилди. Раис сўз олиб, кеча райком бюросида бўлган гапларни пахтакорларга етказди, шу кундаги долзарб ишларга, ғўза парваришини жадаллаштириш тадбирларига тўхталди. Айниқса, дала ишларининг сифати тўғрисида жиддий гап бўлди.

Бригада аъзолари юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплашга, КПСС XXVII съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга қатъий бел боғлаганликларини изҳор этишди. Тажрибакор сувчи Шарифбой Рўзибоев, механизатор Бекназар Раҳимов, илғор пахтакор Пошшо Эрназарова ва бошқалар ғўзага ишлов, озиқ ва сув беришни тартибли, агротехника талаблари асосида ташкил этиш, шу йўл билан ҳосилнинг эрта пишиб етилишига ва тола сифати яхшиланишига эришиш бўйича ўз мулоҳазаларини ўртага қўйдилар. Бригадир суҳбатга якун ясади.

Шу аснода Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси, агитатор Худойшукур Хўжаниёзов «Жанговар варақа»ни кўзга кўринарли жойга илиб қўйди. Унда ўрин олган дала янгиликлари барчанинг эътиборини тортди. Айниқса, ҳажв бурчагидаги танқидий материал, прогулчи тасвирланган карикатура олдида одамлар анча туриб қолишди...

Боғот районидаги Искандар Дўсов номли колхознинг Бозорбой Раҳимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси дала шийпонларида ҳар куни дам олиш вақти шундай сермазмун ўтади. Бу ерда яйраб хордиқ чиқариш учун ҳар тарафлама шароит яратилган. Қизиқарли суҳбатлар, лекциялар қалбларга илҳом бағишлайди. Пахтакорларга маданий-маиший хизмат намунали ташкил этилган.

Ҳақиқий ғамхўрлик, меҳнатни муносиб қадрлаш бригада аъзоларини бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга руҳлантирмоқда. Улар янги очилган ерда ҳосилдорликни кескин оширишга, мавжуд 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 37 центнер ўрнига 45 центнердан хирмон кўтаришга, жами ҳосилнинг 80 процентини машинада теришга аҳд қилишган. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган бригада пахтакорлари ҳар кун, ҳар бир соатни стахановчасига ишлаш, мўл ҳосил учун астойдил курашиш билан ўтказаётирлар.

...Мана, дам олиш ниҳоясига етди. Ҳамма бир кишидек далага отланди. Бу ерда мустаҳкам интизом ва уюшқоқликни, одамлар яйраб дам олишни ҳам, яхши ишлашни ҳам ўрганиб, бу қоидага амал қилишаётганлигини яққол ҳис этдик. Хайрлаша туриб, «Киройи шийпон шундай бўлса!» дегимиз келди.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

